Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 12 ноябрь, № 239 (9410) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирларида иштирок этиш учун 10-11 ноябрь кунлари Анталия шаҳрида бўлди.





Давлатимиз раҳбари 11 ноябрь куни БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) доирасида Жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Саммитда дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари, етакчи халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар бошлиқлари иштирок этмоқда.

Очилиш маросимида турли мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар бошлиқлари ҳам қатнашди.

Саммит доирасида делегациялар раҳбарларининг биргаликда суратга тушиш маросими бўлиб ўтди.

“Барқарор, осойишта ва адолатли келажак сари” шиори остида ўтаётган етакчилар саммити иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва глобал экологик мажбуриятларни бажариш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга янги суръат бағишлашга қаратилган.

COP31 конференцияси 9 ноябрь куни бошланган ва 20 ноябрь кунига қадар давом этади. Унда давлатлар, халқаро ташкилотлар, ишбилармон ва илмий доиралар, фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этмоқда. Париж битимини ҳаётга татбиқ қилиш, ҳавога иссиқхона газларини чиқаришни қисқартириш, иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш, иқлим молияси қамровини кенгайтириш ҳамда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини жадаллаштириш масалалари диққат марказида бўлади.

Сув ресурслари тақчиллиги, тупроқнинг таназзулга учраши, музликлар эриши, қурғоқчилик ва глобал исишнинг бошқа оқибатлари кучайиб бораётган шароитда бу масалалар Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Саммит доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳамкорлигида халқаро шериклар кўмагида ишлаб чиқилган “Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига чидамли ландшафтлар” (CLiCA) минтақавий дастурига старт берилгани бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу етти йилга мўлжалланган дастурни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларнинг умумий ҳажми 264,4 миллион еврони ташкил этади, шундан 103,7 миллион евро Ўзбекистон учун мўлжалланган. Маблағлар ўрмонлар ва яйловларни тиклаш, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши шароитида барқарор ёндашувларни жорий қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иқлим ўзгаришига мослашиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон глобал иқлим кун тартиби доирасида зиммасига олган мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда. Хусусан, 2035 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 50 фоизга қисқартириш мақсад қилинган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЯНГИ КЕЛИШУВЛАР ВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анталия шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича 31-конференцияси доирасида Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга, Финляндия Президенти Александр Стубб, Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусар, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Ториқ Раҳмон, БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Ясмин Фуад ва БМТ Тараққиёт дастури Администратори Александр Де Кроо билан учрашув ўтказди.

Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга билан учрашувда ушбу етакчи халқаро молия институти билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди. Ҳамкорликдаги лойиҳалар портфели қарийб 16 миллиард долларга етди.

Декабрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларини ўрта муддатли ўрганиш бўйича форумга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ўсиш ва иш ўринларини яратиш дастурини амалга ошириш, шериклик бўйича янги Мамлакат дастурини тайёрлаш, инфратузилмага хусусий инвестицияларни жалб қилиш, хусусийлаштириш ҳамда сув хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Финляндия Президенти билан мулоқотда Александр Стуббнинг ўтган йили Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, металлургия, энергетика ва геология соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш ҳамда экология ва сув ресурслари соҳаларидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2027 йил бошида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусар билан учрашувда ўтган йили Словенияга амалга оширилган ташриф давомида эришилган келишувларни бажариш масалалари ҳамда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажми ўсгани мамнуният билан қайд этилди. Транспорт, шаҳарсозлик, муҳим минерал ресурслар ва фармацевтика соҳаларида кооперацияни ривожлантириш ҳамда маданий ва туристик алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ўзаро шерикликни, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик доирасида янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини тасдиқладилар.

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Ториқ Раҳмон билан мулоқотда Ўзбекистон — Бангладеш муносабатларини янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар жадал тус олгани, товар айирбошлаш ҳажми ўсгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва уни амалий мазмун билан бойитиш, жумладан, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий шериклик ва саноат кооперациясини кенгайтиришга келишиб олинди.

Шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Ясмин Фуад билан учрашувда чўлланишга қарши курашиш, таназзулга учраган ерларни тиклаш ва иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Самарали ҳамкорлик доирасида сўнгги беш йил давомида 15 та қўшма лойиҳа амалга оширилгани мамнуният билан қайд этилди.

Оролбўйи ҳудудида экологик мувозанатни тиклаш, ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва қурғоқчил экотизимлар барқарорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Углерод ютилишини ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш ва карбон молияси маблағларини жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида чўлланишга қарши курашиш ва экологик барқарорликни таъминлаш соҳаларида шерикликни янада мустаҳкамлаш ҳамда қўшма ташаббусларни илгари суриш юзасидан келишувга эришилди.

БМТ Тараққиёт дастури Администратори Александр Де Кроо билан учрашувда барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш соҳаларида БМТ Тараққиёт дастури билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиз учун 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган янги дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАДЛИ КОНВЕНЦИЯСИ ТОМОНЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 31-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Президент Режеп Таййип Эрдоған Жаноблари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Ҳурматли конференция раиси!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввалambор, Ўрта Ер денгизининг гавҳари бўлмиш Анталияда бизга кўрсатилаётган анъанавий меҳмондўстлик учун Туркия Республикаси Президенти, қадрли биродарим Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига чин қалбдан миннатдорлик билдираман.

Туркия ва Австралия ҳамраислигида анжуманга юқори даражада тайёргарлик кўрилганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз янги тараққиёт моделимизни “яшил” технологиялар асосида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда қуряпмиз. Иқтисодиёт тармоқларида углерод сарфини жадал суръатда камайтиряпмиз. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш борасидаги мақсадини муддатидан олдин бажарди.

Биз 2035 йилга бориб зарарли чиқиндиларни 50 фоизга камайтириш бўйича янги маррани белгиладик. Тараққиёт ва табиат қонунлари ўртасида бузилган мувозанатни тиклаш “яшил” энергия ҳажмини мунтазам ошириб боришни талаб этади. Яқин тўрт йилда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 54 фоизга етказилади.

Биз ўз олдимизга сувдан оқилона фойдаланиш бўйича ҳам қатъий мажбурият қўйганмиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз аллақачон ижобий натижа бермоқда. Ўн йил ичида иқтисодиётимизда сув сарфи деярли икки бараварга, ҳавзалардан олинаётган сув миқдори эса бешдан бир қисмга камайди. Суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Келгуси йилдан Ўзбекистон Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилади. Трансчегаравий ҳавзаларни бошқаришдек масъулиятли вазифани юқори савияда амалга оширишга тайёрмиз. Шу билан бирга, ерларни кенг кўламда қайта тиклаш ишларини олиб боряпмиз. Мамлакатимизда ўрмонлар майдони олти миллион гектарга кўпайтирилди, унинг учдан бир қисми Оролбўйи ҳудудига тўғри келади.

Бундан ташқари, уч миллиард доллардан ортиқ инвестиция йўналтириладиган “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси”ни жорий этдик.

Ўзбекистонда юритилаётган давлат сиёсатида ёшлар масаласи марказий ўрин тутади. Халқимизда “Дарахтдан мева оламан десанг, уни ниҳол пайтидан бошлаб парвариш қил” деган мақол бор.

Мамлакатимизда болаларнинг экологик тарбияси оила, маҳалла ва мактаб фаолиятининг уйғунлиги асосида йўлга қўйилган. Ёш авлодга сувни тежаш, дарахтларни парвариш қилиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш боғчаданоқ ўргатилади.

Юртимизнинг ҳар бешинчи фуқароси мактаб ўқувчиси ёки талабадир. Тизимли экологик таълим-тарбия туфайли 2050 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан уч қисми табиатни асраш бўйича пухта билимга эга бўлади.

Қадрли дўстлар!

Иқлим муаммоларига ҳеч бир давлат ёлғиз ҳолда ечим топа олмайди.

Марказий Осиёда музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик каби хатарларнинг кўлами ортмоқда. Умумий таҳдидлар минтақа давлатларидан муштарак ҳаракатларни талаб қилади. Шу боис Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббусини илгари сурамиз. Ушбу ҳамкорликни учта асосий йўналишдан бошлашни таклиф қиламан.

Биринчиси — ахборот йўналиши.

Бу борада Жаҳон метеорология ташкилоти кўмагида иқлим хавф-хатарлари тўғрисида маълумот алмашиш инфратузилмасини яратиш зарур. Дастлабки босқичда табиий офатлар пайтида тезкор чора-тадбирлар кўриш учун эрта огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Навбатдаги муҳим қадам — секин-аста юзага келадиган табиий офатларни мониторинг қилиш бўйича кўрсаткичлар ва уларга асосланган қўшма механизмларни шакллантиришдан иборат.

Иккинчиси — технологик йўналиш.

“Яшил” технологиялар тупроқни қайта тиклаш, қурғоқчил ҳудудларда углеродни ютиш, чанг ва қум бўронларига қарши курашишда ёрдам беради.

Ҳар йили Марказий Осиёнинг “Eco Expo” кўргазмасини ўтказяпмиз. Унда илғор тажриба, истиқболли инновациялар билан ўртоқлашяпмиз. Биз бу кўргазмани минтақамизга мос замонавий экологик ечимлар берадиган доимий инвестиция ва технологиялар майдонига айлантиришни мақсад қилганмиз.

Учинчиси — молиявий йўналиш.

Марказий Осиё маҳаллий шароит ва эҳтиёжлар ҳисобга олинадиган барқарор молия манбаларига муҳтож. Бу борада тараққиёт банклари ва мақсадли жамғармалар билан биргаликда Марказий Осиё учун янги кўмак воситалари — имтиёзли грантлар, шунингдек, “мовий” ва “арид” молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Конференцияда иштирок этаётган барча мамлакатлар ва халқаро тузилмаларни Иқлим интеграцияси моделини амалий мазмун билан бойитишга чақирамиз. Ушбу ҳаётбахш моделни барча манфаатдор минтақаларда қўллашни таклиф этамиз.

Келажак авлод учун фаровон ҳаёт ва қулай шарт-шароит яратиш ҳамда она сайёрамизни асраб-авайлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 12 ноябрь

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига 1993 йилда қўшилган, 2018 йилда эса Париж битими иштирокчиси бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларини тежаш ва иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида халқаро ва минтақавий ташаббусларни фаол илгари сурмоқда.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанга самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия ва Австралия ҳамраислигида ўтаётган конференцияга юқори даражада тайёргарлик кўрилганини эътироф этди.

Мамлакатимиз етакчиси таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда ҳамда ўз тараққиёт моделини “яшил” технологиялар асосида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда қурмоқда.

Халқаро ҳамжамиятнинг эътибори бу борада миллий миқёсда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва эришилган натижаларга қаратилди.

Углерод чиқаришни камайтириш доирасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш борасидаги мақсадини муддатидан олдин бажарди. 2035 йилга қадар ушбу кўрсаткични 50 фоизга етказиш бўйича янги марра белгиланди.

Сўнгги ўн йилда иқтисодиётимизда сув сарфи деярли икки бараварга, ҳавзалардан олинаётган сув миқдори эса бешдан бир қисмга камайди. Суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

Ерларни қайта тиклаш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида мамлакатимизда ўрмонлар майдони олти миллион гектарга кўпайтирилди, унинг учдан бир қисми Оролбўйи ҳудудига тўғри келади.

“Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси” ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда юритилаётган давлат сиёсатида ёшлар масаласи марказий ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

— Мамлакатимизда болаларнинг экологик тарбияси оила, маҳалла ва мактаб фаолиятининг уйғунлиги асосида йўлга қўйилган. Ёш авлодга сувни тежаш, дарахтларни парвариш қилиш, атроф-муҳитни тоза ва озода сақлаш боғчаданоқ ўргатилади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Юртимизнинг ҳар бешинчи фуқароси мактаб ўқувчиси ёки талаба экани қайд этилди. Бу эса 2050 йилга бориб Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан уч қисми табиатга ғамхўрлик руҳида таълим олишини англатади.

Президентимиз келгусидаги қўшма саъй-ҳаракатлар борасида ўз нуқтаи назарини баён қилиб, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга ҳеч бир давлат якка ўзи ечим топа олмаслигини таъкидлади.

— Марказий Осиёда музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик каби хатарларнинг кўлами ортмоқда. Умумий таҳдидлар минтақа давлатларидан муштарак ҳаракатларни талаб қилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни учта асосий йўналиш бўйича бошлаш мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Биринчиси — ахборот йўналиши. Бу борада Жаҳон метеорология ташкилоти кўмагида иқлим хавф-хатарлари тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви инфратузилмасини яратишга киришиш таклиф этилди.

Иккинчиси — технологик йўналиш. “Eco Expo” кўргазмасини минтақамизга мос замонавий экологик ечимлар берадиган доимий инвестиция ва технологиялар майдонига айлантиришга тайёрлик билдирилди.

Учинчиси — молиявий йўналиш. Маҳаллий шароит ва эҳтиёжлар ҳисобга олинадиган барқарор молиялаштиришни таъминлаш учун тараққиёт банклари ва мақсадли жамғармалар билан биргаликда янги кўмак воситалари — имтиёзли грантлар, шунингдек, “мовий” ва “арид” молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида конференция иштирокчиларини иқлим интеграцияси моделини амалий мазмун билан бойитишга чақирди ҳамда ушбу ҳаётий муҳим моделни дунёнинг барча манфаатдор минтақаларида қўллашни таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЯНГИ КЕЛИШУВЛАР ВА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шериклик ижобий суръатда ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Охирги беш йилда умумий қиймати 120 миллион доллардан зиёд бўлган 100 дан ортиқ қўшма лойиҳалар амалга оширилди, ҳамкорликнинг умумий ҳажми эса 550 миллион доллардан ошди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар “яшил” трансформация, иқлим молияси маблағларини жалб қилиш, Оролбўйи бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган йўқотишлар ва зарарни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш йўналишларида ҳамкорликни фаоллаштиришга тайёр эканини билдирди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Туркияга амалий ташрифи доирасида Туркий давлатлар ташкилотининг янги тайинланган бош котиби Мирвоҳид Азимовни қабул қилди.

Учрашув давомида жорий йил 11 ноябрдан ўз лавозимига киришаётган Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби олдида турган устувор вазифалар, Ўзбекистон ва ташкилот ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, 2027 йилда Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилаётган ТДТ саммитига пухта тайёргарлик кўриш, уни юқори ташкилий савияда ва мазмунли ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Мирвоҳид Азимовни масъулиятли лавозимга тайинлангани билан табриклаб, унинг Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби сифатидаги фаолиятига муваффақиятлар ва самарали натижалар тилади.

ЎзА.

СЕУЛДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон парламент делегациясининг Корея Республикасига ташрифи доирасида Сеул шаҳрида “Мирзиёев доктринаси: глобал беқарорлик давридаги имкониятлар дипломатияси” номли китобнинг корейс тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбир

Тадбирда Корея Республикасининг илмий ва ишбилармон доиралари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз сўзида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда халқаро ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳақида фикр юритди.

Таъкидланганидек, китобда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати, яхши қўшничилик, очиқлик, ўзаро ишонч ва прагматик ҳамкорлик тамойиллари асосида олиб борилаётган дипломатик саъй-ҳаракатлар кенг ёритилган. Хусусан, Марказий Осиёда дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорликни таъминлаш, халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестициялар жалб этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида эришилган натижаларга эътибор қаратилган.

Тадбирда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатлари, саноат, транспорт, таълим, тиббиёт ва юқори технологиялар соҳаларидаги қўшма лойиҳалар икки мамлакат ҳамкорлигининг амалий ифодаси экани қайд этилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва таълим имкониятларини кенгайтириш йўналишларида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг сўнгги ўн йиллиқдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва илм-фан соҳасини ривожлантириш борасидаги натижалар алоҳида эътироф этилди.

Болалар саратонига қарши кураш:

ЭРТА ТАШХИС, САМАРАЛИ ДАВОЛАШ ВА ТРАНСПЛАНТАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди.

Унда соғлиқни сақлаш вазири Элдор Адиловнинг “2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

«Ҳукумат соати»



Муҳокамада болаларда онкологик ва онкогематологик касалликларни эрта аниқлаш, замонавий ташхис ҳамда даволаш усулларини жорий этиш, дори воситалари билан таъминлаш, суяк кўмиги трансплантацияси имкониятларини кенгайтириш ҳамда бемор болаларни реабилитация қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг тегишли қарори билан қабул қилинган миллий стратегия болалар саратонига қарши курашиш тизимини комплекс такомиллаштириш, касалликни эрта аниқлаш ва беморларнинг яшовчанлик кўрсаткичларини оширишга қаратилган. Унинг ижроси доирасида муайян натижаларга эришилган. Хусусан, хасталикка шубҳа пайдо бўлган кундан ихтисослаштирилган даволаш бошлангунига қадар ўтадиган муддат 130 — 160 кундан 10 — 18 кунгача қисқарган. Бунда “Яшил йўлак” тизими ва “Бир бола — бир йўналиш” рақамли тамойили муҳим ўрин тутмоқда. Болаларда касалликни эрта аниқлаш улуши 2023 йилдаги 23 фоиздан 2025 йилда 28 фоизга етган.

Даволаш натижаларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, гемобластозларда бир йиллик яшовчанлик 17 фоиздан 42-43 фоизга, солид ўсмаларда эса 37 фоиздан 44,5 фоизга кўтарилган. Болаларга бепул бериладиган дори воситалари рўйхати 89 номдан 194 номга, яъни 2,2 баробар кенгайтирилган. Зарур ўсмага қарши дори воситалари билан таъминланганлик даражаси эса илгари ҳар уч боладан бирини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 88 фоизга, айрим йўналишларда 100 фоизга етган.

Шунингдек, Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказида операциялар сони 2023 йилдаги 330 тадан 2025 йилда 877 тага, юқори технологик операциялар эса 35 тадан 165 тага кўпайган. 2025-2026 йилларда болаларга 36 та ўсувчи эндопротез ўрнатилгани ҳам даволаш имкониятлари кенгаяётганини кўрсатади.

“Ҳукумат соати”да суяк кўмиги трансплантацияси масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Зеро, ушбу муолажа қатор оғир онкогематологик касалликларга чалинган болалар учун соғайишнинг муҳим имкониятларидан бири ҳисобланади.

Вазир ахборотига кўра, трансплантациялар давлат ҳисобидан Туркия Республикасида, Болалар миллий тиббиёт марказида ҳамда Республика болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилмоқда. Жумладан, 2025 йилда 32 та, 2026 йил 1 ноябрь ҳолатига эса 36 та трансплантация ўтказилган. Уларнинг 28 таси аллоген, 8 таси аутологик трансплантациядир.

Бироқ мавжуд эҳтиёж билан амалдаги имкониятлар ўртасида сезиларли тафовут бор. Ҳар йили 400 нафардан ортиқ болалар суяк кўмиги трансплантациясига муҳтож бўлса, ҳозирда бу эҳтиёжнинг 10 фоизидан ками қопланмоқда. Вазирлик маълумотига кўра, 2027 йилда трансплантациялар сонини 100 тага етказиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, ушбу йўналишда айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, трансплантация бўлими ва типлаш лабораторияси жойлашадиган асептик корпус қурилиши икки йилдан ортиқ кечикмоқда. Суяк кўмиги донорлари миллий реестри ташкил этилмаган. Трансплантацияда қўлланиладиган айрим дори воситаларини республикада қўллаш ва улар билан таъминлаш масалалари ҳам изчил ҳал этилишини талаб қилади.

Депутатлар айнан шу жиҳатларга эътибор қаратиб, Республика болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказидаги ҳамда Самарқанд вилоятида ташкил этилаётган болалар онкогематологияси минтақаларо марказидаги қурилиш ишлари, объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш режалари билан қизиқди. Шунингдек, суяк кўмиги трансплантациясини амалиётга кенг жорий этиш, бу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлаш ва зарур инфратузилмани шакллантириш юзасидан саволлар ўртага ташланди.

Муҳокамада болаларга тиббий ёрдам фақат ташхис қўйиш ва даволаш билан чекланмаслиги, реабилитация, паллиатив ёрдам ҳамда таълим олиш имкониятларини ҳам қамраб олиши зарурлиги таъкидланди.

“Ҳукумат соати” якунида депутатлар соҳа истиқболига қаратилган қатор таклиф ва тавсияларни илгари сурди. Кўтарилган масалалар, айниқса, трансплантация инфратузилмасини ривожлантириш, мутахассислар тайёрлаш ва даволаш имкониятларини кенгайтириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Учрашув

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси иштирокида Сеул шаҳридаги Технологиялар ва касб-ҳунар таълими институтида учрашув бўлиб ўтди.

Институт директори Пак Ким Ок билан мулоқотда меҳнат бозори талабларига мос мутахассислар тайёрлаш, хотин-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Жанубий Корея тажрибаси муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, институт фаолиятида назария ва амалиёт уйғунлиги, таълимнинг иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этилиши муҳим ўрин тутади. Муассасада 24 та йўналиш бўйича йилига 1 286 нафар тингловчи таҳсил олади. Тикувчилик, дизайн, гўзаллик индустрияси, бухгалтерия ва ижтимоий хизмат каби йўналишларда, асосан, хотин-қизлар касбга тайёрланади.

Пак Ким Ок ўзбекистонлик мутахассислар учун махсус ўқув курсларини очиш ҳамда тегишли келишувлар асосида Ўзбекистон фуқароларининг институтда таҳсил олиш имкониятларини кўриб чиқишга тайёрлигини билдирди.

Ташриф давомида делегация вакиллари институтнинг ўқув хоналари, амалий машғулот устахоналари ва таълим инфратузилмасининг фаолияти билан танишди.

Сенаторлар — ҳудудларда

МАҚСАД – КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Олий Мажлис Сенати аъзолари — Зумрад Бекатова ва Мойра Тошова Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида бўлиб, ҳудудда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганишлар давомида давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, фаолиятда очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, Ғиждувон тумани ҳокимлигида коррупциядан холи ҳудудни шакллантириш, коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, тиббий воситалар ва буюмларни харид қилишда шаффофликни таъминлаш, электрон давлат харидлари жараёнида қонунчилик талабларига риоя этиш ва ички назоратни кучайтириш масалалари ҳам ўрганилди.

Аниқланган камчиликларни ва мавжуд муаммоларни бартараф қилиш юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Ўрганиш натижалари парламент назорати доирасида умумлаштирилиб, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат органлари фаолиятида очиқликни мустаҳкамлаш ҳамда мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш кейинги ишларда инобатга олинади.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Ўзбекистон парламент делегациясининг Сеулга ташрифи доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева қатор учрашувлар ўтказди. Хусусан, Сенат Раисининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик билан мулоқотида икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда уни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилгани, делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам тус олаётгани юқори баҳоланди. 2025 йил декабрь ойида Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи йиғилиши минтақавий мулоқотни ривожлантиришда муҳим платформа сифатида эътироф этилди.

Шу муносабат билан парламент раҳбарларининг келгуси учрашувлари кун тартибига икки мамлакат Президентлари даражасида эришилган келишувларни амалга ошириш механизмларини муҳокама қилиш масаласини киритиш таклиф этилди.

Ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш ҳам мулоқотнинг муҳим йўналишларидан бўлди. Хусусан, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятига маҳаллий Кенгашлар депутатларини жалб қилиш ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва гуманитар соҳалар билан бир қаторда сунъий интеллект, муҳим минераллар, рақамли иқтисодиёт ва илғор технологиялар йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Шунингдек, Танзила Норбоева Корея импортчилари ассоциацияси (KOIMA) раиси Юн Ён Ми билан ҳам учрашди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон маҳсулотларини Жанубий Корея бозорига етказиб бериш имкониятларини кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини Корея бозорига олиб кириш, маҳаллий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, икки мамлакат ўртасида эркин савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш ва имзолаш истиқболлари, унинг ўзаро савдо ҳажмини оширишдаги аҳамияти юзасидан фикр алмашилди.

Маҳаллий экспортчилар учун логистика харажатларини қоплаш механизмларини қўллаш, Ўзбекистон маҳсулотларини ушбу мамлакатнинг савдо тармоқларига кенг жалб этиш, шунингдек, Жанубий Корея компаниялари билан қўшма ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш имкониятлари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Икки мамлакат ўртасида мазкур йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантириш, тегишли вазирлик ва идораларнинг ўзаро маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш ҳамда аниқ таклифлар ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИНСОН ҚАДРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмиталари томонидан “Касаба уюшмалари — меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий адолат ва инсон қадрининг ишончли ҳимоячиси” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

11 ноябрь — Касаба уюшмалари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли қўмиталар вакиллари, касаба уюшмалари фаоллари ҳамда соҳа мутахассислари қатнашди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилда имзоланган қонунга мувофиқ, 11 ноябрь мамлакатимизда Касаба уюшмалари куни сифатида белгиланган. Бу эса меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда нуфузини оширишга қаратилаётган юксак эътиборнинг муҳим ифодасидир.

2025 йил 17 октябрь куни Президентимизнинг касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказган учрашуви соҳадаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Бинобарин, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, кафолатланган ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича мустаҳкам қонуний асослар яратилди. Янги таҳрирдаги Конституция, Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар меҳнат муносабатларини замонавий талаблар асосида тартибга солиш, ижтимоий шериклик механизмларини ривожлантириш ва касаба уюшмаларининг жамиятдаги фаол ролини кучайтириш учун янги имкониятлар очди.

Давра суҳбатида янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳар кимнинг муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда ишлаш, адолатли ҳақ олиш ҳуқуқлари мустаҳкамлангани алоҳида қайд этилди. Айниқса, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида меҳнат бозорида юзага келаётган ўзгаришлар касаба уюшмалари олдига янги талабларни қўймоқда. Масофавий меҳнат, платформалар орқали ишлаш ва бошқа янги бандлик шаклларида фаолият юритаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий кафолатларини таъминлаш, уларни меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий суғурта билан қамраб олиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шерзод ҚУЛМАТОВ,
Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги кунда касаба уюшмаларининг фаолияти меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларида адолат ва ўзаро масъулиятни қарор топтиришга ҳам хизмат қилаётир. Касаба уюшмалари билан парламент ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириб, уларнинг жойларда тўпланган тажрибаси ва таклифларини қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этишга эътибор қаратишимиз лозим.



Давра суҳбати якунида иштирокчилар меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларида юзага келаётган муаммоларни биргаликда ўрганиш, уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бу борада парламент ва касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан фикр алмашди. Ушбу йўналишда ўзаро мулоқот ва амалий ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, профессор Тимур Дадабаев АҚШда жойлашган Марказий Евроосиё тадқиқотлари жамияти президенти этиб сайланди.







ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШАЁТГАН ҲУДУД

Инновация — яратувчанлик, нанотехнология, модернизация ва рационализаторлик каби замонавий иборалар замиридаги инсон интеллектининг маҳсули. Том маънода у тараққиётни ҳаракатга келтиради ва шу боис Янги Ўзбекистонда юксалишнинг устувор омилларидан бири сифатида эътироф этилади.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоят ҳам бугун инновация ва юқори технологиялар асосида ривож топаётган, дунё иқтисодиётига дадил интеграциялашаётган ҳудудга айланди. Вилоят мамлакатимиз саноатининг драйвери ҳисобланиб, республикада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг қарийб бешдан бир қисми айнан навоийликлар ҳиссасига тўғри келади.

Сўнгги йилларда “Навоий конметаллургия комбинати”, “Навоийазот”, “Қизилқумцемент”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятлари, “Навоийуран” ДК, “Akfa Extrusions” МЧЖ каби йирик саноат қувватлари ёнига “Навпромлитмаш”, “Гидро станко сервис”, “Зарафшон ойна”, Карманада фотоэлектр станцияси, Томдида шамол электр станцияси каби ўнлаб йирик корхоналар қўшилиб, ҳудудларда ноанъанавий ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилди.



Бугунги кунда вилоятнинг жами саноат маҳсулотлари ҳажмида тадбиркорлик ва хусусий секторнинг улуши ошиб бормоқда. Мисол учун ўтган қисқа давр мобайнида уч мингта янги корхона ишга туширилиб, йилига 1 миллиард сўм айланмага эга корхоналар 576 тага, 10 миллиард сўмлиги 186 тага, 100 миллиард сўмлиги эса 72 тага кўпайиб, ўртача ойлик иш ҳақи вилоят бўйича 3,5 баробар ортганини инобатга олсак, ислоҳотлар самараси нақадар залворли экани аён бўлади. Сўнгги тўққиз йил ичида қарийб 10 миллиард долларлик 7 мингдан зиёд лойиҳалар амалга оширилиб, 73 мингта иш ўрни очилмаганида бу муваффақиятлар юзага келмаган бўларди.

Албатта, ушбу рақамлар ортида давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган ҳудуд иқтисодиётига янги нафас олиб кириш, вилоятнинг имконият ва салоҳиятини чинакам ҳаракатлантирувчи кучга айлантиришдек стратегик вазифалар самараси турибди. Ҳақиқий ҳолат пухта таҳлил этилиб, демография, урбанизация, инфратизим, кўмакдош ва халақит берувчи барча омилларнинг чуқур ўрганилиши, ҳудудда ноанъанавий ишлаб чиқариш қувватлари фаолиятини йўлга қўйиш, тўқимачилик, кимё саноати, электротехника, қурилиш материаллари каби тармоқларда тадбиркорлик учун имконият эшиклари очиб юборганлиги натижасидир.

— Вилоятда тадбиркорлар сафи сўнгги уч йилда қарийб 7 карра ошди, — дейди савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Дилшод Шакаров. — Ўтган йилнинг ўзида 13 та корхона янгидан экспорт фаолиятига жалб қилинди. 14 та янги давлат (Италия, Бразилия, Аргентина, Колумбия, Мексика, Чили, Перу, Эквадор, Жанубий Африка Республикаси, Кения, Кот-д’Ивуар, Марокаш, Мозамбик, Танзания) бозорлари ўзлаштирилиб, қўшимча 8,8 млн. доллар экспорт амалга оширилди ҳамда экспорт географиясидаги давлатлар сони 52 тага етказилди.

Албатта, ўзгаришлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун узоқ муддатли стратегик режалаштириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, замонавий инфратузилма, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва инвестициялар учун қулай муҳит яратиш талаб этилади.

Ойнадай ярақлаган истиқбол

Маълумотларга кўра Қизилқумда Менделеев даврий жадвалининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан захираларига эга истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хомашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ конлар қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал-хомашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланган.

Хусусан, марказий Қизилқумнинг кварц қуми ойна ишлаб чиқаришдаги асосий хомашё — оҳактош ва доломитга бойлиги билан Зарафшон шаҳрида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга йўл очди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилги ташрифи чоғида ойна ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунда корхонани энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш вазифалари белгиланган эди, — дейди “Зарафшон ойна” МЧЖ таъсисчиси Баҳодир Юсупов. — Шу асосда 250 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиб, Германия, Франция ва Италия давлатларидан энг сўнгги авлод ускуналар келтирилди. Натижада хомашё қазиб олишдан тортиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтиришгача бўлган цикл ўзлаштирилиб, “М0”, “М1” русумли ойна ишлаб чиқарилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, ушбу турдаги маҳсулотни ҳамма завод ҳам тайёрлай олмайди. Ойналаримиз сифатига яна бир далил шуки, қувватимиз йилига 12 миллион метр квадрат бўлгани ҳолда, Европа мамлакатларидан 18 миллион метр квадратга талаб бор.



Корхонада шиша ишлаб чиқариш жараёни, эритиш, қолиплаш, совитиш, технологик линияларга ўрнатилган назорат ҳамда бошқарув тизими тўлиқ автоматлаштирилган. Шунга қарамасдан унинг кон ва цехларида 700 нафар зарафшонлик ўз иш ўрнига эга бўлди.

Ҳудудда сўнгги йилларда тадбиркорлар томонидан мебель, трикотаж, оҳак, мармар, ойна, бетон плиталар ҳамда паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва иссиқхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Сув масаласи ўта долзарб (шаҳар 250 км. олисликдаги Амударёдан ичимлик суви билан таъминланади) ҳисобланган боис ушбу қувватларнинг барчаси тежамкор технологияларга асосланган. Бинобарин қорамолчиликка қўл урган “Nurli diyor parranda” МЧЖ ҳам “Наслли қорамолчиликни ташкил этиш” лойиҳаси доирасида қорамолларга гидропоника усулида озуқа етиштиришни ўзлаштирди.

— Бу усулда 400 га яқин наслли қорамоллар озуқаси етиштириш учун атиги 180 метр квадрат майдон кифоя, — дейди МЧЖ раҳбари Достон Бобомуродов. — Натижада ушбу усулда тайёрланган озуқа билан озиқлантириш туфайли сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори 30 фоизгача ошди.

Яна бир кончилар шаҳри — Учқудуқда феруза тошларнинг улкан захиралари топилгач, тайванлик инвестор Рей Хунг томонидан “JU SHI XING CHENG” МЧЖ хорижий корхонасига асос солинди ва уни саноат йўли билан ўзлаштиришга киришилди. 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ҳисобига амалга оширилган ушбу лойиҳа доирасида феруза тоши қазиб олинмоқда ва қайта ишланяпти. Натижада янги иш ўринлари очилаётир.

Фозғон — ишсизликдан холи тўрт ҳудуднинг бири

Тошга ишлов бериш инсон ўрганган илк ҳунарлардан бири ҳисобланади. Ибтидоий жамоа тузуми даврига тегишли Учтут (Навбаҳор тумани)даги Чақмоқтош кони бунинг яққол далили. Бироқ



юртимизда мазкур йўналиш узоқ йиллар деярли ибтидоий кўринишда қолганлигига яқин-яқинларгача Фозғонда гувоҳ бўлиш мумкин эди.

— Фозғон мармарининг саноат йўли билан қазиб олиниши ва ишлов берилишига ўтган асрнинг 30-йилларида асос солинган. Бироқ узоқ йиллар ҳудуднинг табиий бойлиги харсанг кўринишида олиб кетилиб, собиқ иттифоқ ҳудудидаги юздан ошиқ йирик қурилишларга етказиб берилган, — дейди сангтарош Тоҳир Раҳимов. — Фозғоннинг темир йўл ва автойўлдан узоқлиги ҳамда тошларнинг харсанг кўринишида етказилиши ишлаб чиқарувчидан унинг нархини йўл харажати учун 25 — 30 фоизгача чегиришни тақозо этарди. Табиийки, тайёр маҳсулот ҳолида ҳам шундай бўлиб, боз устига алмисоқдан қолган технологиялар таннархни туширишга имкон бермасди.

2019 йилдан эътиборан Фозғонда мармар ва гранитга асосланган қурилиш материаллари саноати базасини ташкил этиш, юқори инфратизимга эга саноат шаҳрига асос солиш, ҳудудни комплекс ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги режасини ишлаб чиқиш ғоясининг илгари сурилиши қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар бартараф этилишига имкон берди. Яъни Фозғон бугунги кунда вилоятнинг ишсизликдан холи тўрт ҳудудидан бири ҳисобланиб қолмасдан, четдан ишчи кучи жалб этувчи шаҳарга айланди.

Табиийки, шаҳар мақомини олгач Фозғонда кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида бутунлай янги қиёфа касб этмоқда.

Кончилик саноатидаги янгича ёндашувлар вилоятнинг Нурота туманидаги Сувлиқ қишлоғида гранит, Қизилча қишлоғида олтин қазиб олишга ихтисослаштирилган корхоналарнинг иш бошлашига, мазкур ҳудудларда минглаб одамлар ўз иш ўрни, даромад манбаига эга бўлишига шароит ҳозирлади.

Бараканинг бешиги...

Қулай муҳит вилоятнинг инвестицион жозибадорлиги ошишини таъминлаб, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони сўнгги олти йилда тўрт баробар ортишига замин яратди. Биргина жорий йилнинг ўзида йил бошидан буён 907,5 млн. долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, бу борадаги режа 138 фоизга бажарилди. 2016 йил билан солиштирганда бу 20 баравар кўп демакдир. Экспорт ҳажми ортиб, маҳаллийлаштириш дастурлари туфайли импорт қисқармоқда. Айтайлик, ўн йил аввал Қизилтепа туманининг кўримсизгина Маликобод қишлоғидан ҳар ой 3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, 1200 кишининг бандлиги таъминланади, дейишса, ишониш қийин эди. “SVS Navoiy” масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонасида меҳнат қилаётган Дилбар Ортиқова шулардан бири.

— Мамлакатимиз раҳбарининг ҳудудда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги ташаббуслари кечагидек эсимда, — дейди у. — Очиғи, уларнинг рўёби биз, оддий аҳоли учун эртакдек гап эди. Шукр, барчасининг ҳаётий ифодасини кўряпмиз. Масалан, бугун янги корхонада ишлаяпман. Шинам уй-жойга эга бўлдик.

Маликобод маҳалласи аслида кўпам қадимий эмас — ўтган асрнинг 60-йилларида Маликчўл ва маданий ҳудудлар чорраҳасида пайдо бўлган. Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ маҳалла ҳудудидан 20 гектар ер майдони ажратилган.

— Лойиҳанинг илк босқичида 200 хонадонга мўлжалланган 8 та 5 қаватли уй қурилди ва уларга кўчиб келаётган аҳолининг муносиб шарт-шароитларда яшаши учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 24,7 миллиард сўмга зарурий коммуникация тармоқлари тортилди, — дейди Қизилтепа тумани ҳокимининг ўринбосари Ўлмас Истамов. — Жумладан, 16,0 млрд. сўмга ичимлик ва оқова суви, 2,5 млрд. сўмга электр энергияси, 110 млн. сўмга табиий газ тармоқлари тортилган бўлса, 3,4 млрд. сўмга иссиқлик таъминоти объекти қурилди ва 2,7 млрд. сўмга массивнинг ички йўллари барпо этилиб, асфальтланди.

Бугун ушбу массивда 600 нафардан ортиқ кишилар истиқомат қилади. Шу аҳолининг салкам 160 нафарини мактабгача ва мактаб ёшидагилар ташкил этса, катта ёшлиларнинг 20 нафари тадбиркор, 10 нафари ўқитувчи ва турли касб эгаларидан иборат. Табиийки қолган меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарияти Маликободда фаолияти йўлга қўйилган “SVS Navoiy” масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонасидан ўз иш ўрнига эга бўлишган.

“SVS Navoiy” латексланган қурилиш қўлқоплари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Марказий Осиёда ягона корхона ҳисобланади. Қўлқопларни латекслаб бўяш босқичи ҳам корхонанинг ўзида бажарилиши натижасида маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва қиймати ҳам икки бараваргa ортди. Натижада қувват ҳам йилига 15 миллион жуфтдан 25 миллион жуфтга оширилди. Табиийки, ойлик иш ҳақлари ҳам кўпайиб, бугунги кунда 7 — 10 миллион сўмга етмоқда.

Бу каби қишлоқ саноатига вилоятнинг Навбаҳор, Хатирчи ва Конимех туманларидан ҳам бир неча мисоллар келтириш мумкин. Айнан шулар самараси ўлароқ вилоятда биргина жорий йил бошидан буён 155,0 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 5,4 фоизлик ўсиш суръати таъминланди. 124,3 млн. долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан ўсиш 123 фоизни ташкил этди.

Муҳим икки рақам

Бугун вилоятдаги барча корхоналар барқарорлик рельсига тушиб олди. Биргина “Навоийазот” АЖда 2017 — 2021 йилларда амалга оширилган қиймати 1,7 миллиард долларлик учта инвестиция дастури натижасида корхонада ишчанлик кўрсаткичи 2,5, экспорт 2,7 баробар ошиб, элликка яқин янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖда эса айни кунларда мамлакат энергетика салоҳиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган учинчи йирик инвестиция лойиҳаси изчил ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Натижада корхона ҳар йили қўшимча 4,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ва 200 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш даражасига кўтарилади. Йилига 870 миллион куб метргача табиий газни тежашга эришилади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг анъанавий технологияларида фойдали иш коэффициенти аксарият ҳолларда 40 фоиз атрофида бўлса, биринчи буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 57 фоизни, иккинчисида 61 фоизни, янгисида эса 63 фоизни ташкил этади.

Ўтган йиллар мобайнида НКМК эришган марралар эса алоҳида мавзу. Шу боис унга батафсил тўхталиш ўрнига икки рақамни келтириш билан кифояланамиз. Яъни мустақилликка қадар корхона тизимида иккита гидрометаллургия заводи фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони еттитани ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга оширилди.

Бугун Навоий вилоятидаги янгиланишлар инвестициялар, инновациялар, янги иш ўринлари ва рақобатбардошликни узоқ йиллар давомида таъминлай оладиган барқарор иқтисодий тизим шаклланганидан далолат беради. Бу умидбахш ўзгаришлар одамларнинг турмуш тарзида янгича мазмун касб этиб, мамлакат тараққиёти ва Янги Ўзбекистон келажагига ишончини тобора юксалтирмоқда. Зотан, ишонч муваффақиятлар сари етакловчи кучдир.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Акс садо

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда электротехника саноатини қўллаб-қувватлаш, унинг ишлаб чиқариш ва инновацион салоҳиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида соҳа тадбиркорлари ва инвесторлари билан ўтказган мулоқоти ҳам ана шу стратегик мақсадларни амалий натижаларга айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.



Мулоқотда илгари сурилган ташаббуслар давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида белгилаб берилган миллий тараққиёт мақсадлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Хусусан, унда иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказишга қаратилган учинчи миллий дастур доирасида саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш, келгуси ўн йилда 450 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилиш каби муҳим марралар белгиланганди. Бу вазифаларни амалга оширишда электротехника саноатини янги технологик босқичга олиб чиқиш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, инновация ва инвестицияларни кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент вилоятидаги мулоқотда айтилганидек, сўнгги ўн йилда соҳага 2 млрд. доллар инвестиция киритилиб, 413 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Юздан ортиқ турдаги янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада маҳсулот ҳажми 2016 йилдаги 1,7 трлн. сўмдан жорий йилда 50 трлн. сўмга етди. Экспорт 14 баробар ўсиб, 1 млрд. 600 млн. долларни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ислоҳотлар ва тадбиркорлар меҳнатининг амалий натижасидир. Бироқ мавжуд салоҳиятни ҳисобга олганда, бу ҳали якуний марра эмас. Давлатимиз раҳбари бу мавжуд имкониятларга нисбатан кам экани, соҳани янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Эътиборли жиҳат шундаки, илгари сурилган ташаббуслар электротехника саноатини илм-фан, инновация ва саноат интеграцияси асосида ривожлантиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, тадқиқотчиларни саноат корхоналари билан боғлайдиган “Янги саноат” миллий платформасининг ишлаб чиқилиши илмий ишланмаларнинг лабораториялар доирасида қолиб кетмасдан, реал иқтисодий самара берадиган маҳсулот ва технологияларга айланиши учун муҳим имконият яратади.

Ҳар бир ҳудудда тадқиқот ва ишланмалар марказлари ёки технопаркларни янги саноат йўналишларига мослаштириш, маҳсулотларни синовдан ўтказиш майдончаларини ташкил этиш ташаббуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки янги маҳсулотни яратишнинг ўзи етарли эмас, уни синовдан ўтказиш, такомиллаштириш ва бозор талабларига мослаштириш учун зарур инфратузилма ҳам бўлиши керак. Бундай майдончалар йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес ўртасидаги кооперацияни кучайтириб, маҳаллий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш занжирларига кириб боришига йўл очади.

Аҳолига маҳаллий ишлаб чиқарилган маиший техникаларни харид қилиш учун йиллик 18 фоиз ставкада истеъмол кредитлари ажратиш механизмининг жорий этилиши ҳам иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу ташаббуснинг афзаллиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида икки муҳим вазифани ҳал этишга хизмат қилади: аҳолининг замонавий маиший техникадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорда барқарор талабни шакллантиради.

Ушбу вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида парламент зиммасига ҳам муҳим масъулият юкланади. Аввало, белгиланаётган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, соҳада тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулай қонунчилик муҳитини яратиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш депутатлик фаолиятининг устувор йўналишларидан бўлиши лозим. Парламент назорати доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини, ажратилаётган молиявий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятларнинг амалдаги натижаларини мунтазам ўрганиб бориш мақсадга мувофиқ.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

МАҲАЛЛАЛАРГА ФАЙЗ БАҒИШЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК

Бухоро шаҳридаги Боғидашт ва Навбаҳор маҳаллалари қиёфаси исми жисмига монанд гўшага айланмоқда. Бу ҳар икки ҳудудда замонавий жамоат масканлари барпо этилаётгани билан боғлиқ.

Инфратузилма

— Кейинги йилларда ҳамшаҳарларимиз ва кўҳна Бухорога келаётган меҳмонларнинг мароқли дам олиши учун кўплаб хиёбону сайилгоҳлар бунёд қилиняпти, — дейди меҳнат фахрийси Баҳодир Тўраев. — Бундан биз, кексалар ҳам беҳад мамнунмиз. Ёзнинг иссиқ кунларида, баҳору кузнинг салқин кечаларида бу каби файзли масканларда сайр қилиб, ҳордиқ чиқарганга, саломатликни мустаҳкамлаганга нима етсин?!

Лойиҳанинг умумий қиймати 19 млрд. сўм. Бу маблағнинг 15 млрд. сўми ташаббускор тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келяпти. Асосий мақсад — аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, замонавий инфратузилма яратиш орқали одамларнинг дам олиши учун қулайлик ҳозирлаш. Режага мувофиқ, ҳудудда манзарали декоратив чироқлар, ўриндиқлар, эстетик қиёфага эга меъморий ишланмалар, фаввора ўрнатилади. Салкам икки километрлик масофада гулу гулзорлар, пиёдалар йўлаги барпо этиляпти. Янги йилга қадар 30 та хизмат кўрсатиш ҳамда сервис шохобчаси ҳам фаолиятини бошлайди. Натижада 60 та янги иш ўрни юзага келади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Германияда бўлиб ўтаётган чорвачилик соҳасидаги дунёнинг энг йирик «EuroTier — 2026» халқаро кўргазмасида мамлакатимиздан Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда «Паррандасаноат» уюшмаси вакиллари қатнашмоқда.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 12 ноябрь

Маънавият

АТОҚЛИ АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 1 апрелдаги фармойиши асосида “2026 йилда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари атоқли намояндаларининг таваллуд саналарини муносиб нишонлаш ҳамда фаолиятини кенг тарғиб этиш дастури” қабул қилинган. Мазкур дастурга биноан йил давомида мамлакатимиз бўйлаб Одил Ёқубов таваллудининг 100 йиллиги нишонланиб, адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, бой адабий мероси кенг жамоатчиликка етказиляпти.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқали театрида бўлиб ўтган адабий-маърифий хотира кечаси ҳам ана шу эзгу ташаббуснинг давомидир.

Адиб хотирасига эҳтиром, унинг серқирра ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, миллий адабиётимиз тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини яна бир бор эътироф этишга қаратилган мазкур анжуман адабиёт ва маънавият ихлосмандларини бир даврага жамлади.

Театр фойесида ташкиллаштирилган китоблар кўргазмасидан Одил Ёқубов асарларининг турли йилларда ўзбек ва хорижий тилларда нашр этилган нусхалари ўрин олди. Созандалар ижросида янграган дилрабо куйлар тадбир муҳитига миллий руҳ ва кўтаринкилик бағишлади.

Анжуман аввалида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган Одил Ёқубов ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш қилинди.



Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, академик Акмал Саидов, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эрали Туғжанов ва бошқалар сўзга чиқиб, адибнинг бой ижодий мероси, ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, асарларининг умрбоқийлиги хусусида атрофлича фикр юритди.

Дарҳақиқат, Одил Ёқубов ижоди инсон ва замон, тарих ва тақдир, виждон ва масъулият, адолат ва ҳақиқат ҳақидаги теран бадиий мушоҳададир. Адибнинг “Тенгдошлар”, “Муқаддас”, “Қанот жуфт бўлади” каби қиссалари, “Эр бошига иш тушса”, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Кўҳна дунё”, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” сингари романлари ўзбек адабиётининг энг сара намуналари қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Ушбу асарларда инсон қалбининг мураккаб кечинмалари, жамият ҳаётининг долзарб муаммолари, тарихий шахслар тақдири, миллий қадриятлар ва маънавий мезонлар юксак бадиий маҳорат билан ифода этилган. Шу боис адиб асарлари йиллар ўтгани сайин ўз аҳамиятини йўқотмай, янги авлод китобхонларини ҳам эзгулик, ҳақиқат ва адолат ҳақида фикр юритишга ундамоқда.

Одил Ёқубовнинг ижодий мероси театр ва кино санъатида ҳам муносиб ифодасини топган. Унинг асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар, тасвирга олинган кинофильмлар миллий маданиятимиз хазинасидан мустаҳкам ўрин олган.

Тадбир давомида “Улуғбек хазинаси” романи асосида ишланган видеофильм ҳамда “Ажойиб хаёлпараст” фильмидан парчалар намойиш этилгани анжуманнинг мазмунини янада бойитди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ (“Халқ сўзи”).

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ:

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Бугунги глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида юксак ҳуқуқий онгли авлодни шакллантириш жараёни замон талабларига мослашиб, янги мазмун ва шаклларга эга бўлмоқда. Айниқса, ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаш йигит-қизларимизда ёшликданоқ ҳуқуқий қадриятлар ва қонунларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, масъулиятга асосланган фуқаролик позициясини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Муносабат

Маърифатпарвар Абдулла Авлоний ҳуқуқни билиш ва тарбия ўртасидаги узвий боғлиқликка эътибор қаратаркан, “Мана бу сўз бизларни тарбиядан маҳрум, ҳуқуқнинг на эканин билмаганлиғимизни билдирур”, дея таъкидлагани эътиборга молик. Бу фикр орқали мутафаккир ҳуқуқни билмасликни шунчаки билим етишмаслиги деб эмас, балки шахс тарбияси ва жамиятнинг маърифий ривожланиши билан боғлиқ муаммо сифатида баҳолайди. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири — шахсда ҳуқуқий билим ва тасаввурларни шакллантириш, шу орқали унинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб, “Адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий ишонч ҳам юксалади. Бу борада бешинчи миллий дастур — суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни умумий қадриятга айлантиришдан иборат. Бунинг учун ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаб аниқ тизим асосида йўлга қўямиз”, деган эди.

Айни фикрлар ҳуқуқий тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини ва юксак ҳуқуқий онгга эга замонавий авлодни шакллантиришда тизимли ва инновацион ёндашувлар зарурлигини кўрсатади. Бинобарин, бу масала ҳуқуқий давлат ҳамда адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти бўлиб, у яхлит жараён сифатида намоён бўлиши лозим.

Натижага йўналтирилган дастурлар

Замонавий ҳуқуқий тарбия ҳақида гап кетганда, аввало, унинг концептуал асослари ва устувор йўналишларини белгилаб олиш муҳим. Биринчи навбатда, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳат шуки, ҳуқуқий тарбияда ёшларга фақат тақиқ қўйиш эмас, балки уларга ижтимоий ва ҳуқуқий қадриятлар қай тарзда ҳимоя қилинишини англатиш зарур. Масалан, йўл ҳаракати қоидаларига жаримадан қўрққани учун эмас, инсон ҳаёти ва хавфсизлигини қадрлагани учун риоя этиш лозимлиги уқтирилса, бу ҳуқуқий хулқ-атворнинг ички эътиқодга айланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий билимлар назарий маълумотлардан иборат бўлиб қолмасдан, кундалик ҳаёт муаммоларини ҳал этишга хизмат қилиши лозим. Ёшларга меҳнат шартномасини тузиш, истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш, онлайн харидларда алданиш ҳолатларида ҳуқуқий чора кўриш каби амалий кўникмаларни ўргатиш зарур. Хусусан, рақамли шароитда кибербуллинг, интернет фирибгарлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи, онлайн мулоқот этикаси ва сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланиш масалалари ёшларнинг ҳуқуқий билимлари таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ. Бу замонавий ахборот муҳитида ёшларда ҳар қандай ахборотни танқидий баҳолаш, қонун нормаларини мустақил излаш, муайян вазиятга ҳуқуқий баҳо бериш қобилиятини шакллантиришда қўл келади.



Энг муҳими эса ҳуқуқий тарбияни умуминсоний ва ҳуқуқий қадриятларга асослаш лозим. Таълим жараёнида тенглик, адолат, бағрикенглик, камситишга муросасиз муносабат, бошқаларнинг фикри ва танловини ҳурмат қилиш каби қадриятларни сингдириш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги унинг назарий билим бериш билан чекланмасдан, ёшларнинг кундалик ҳаёти ва амалий фаолиятига дахлдор ҳолда ташкил этилишига бевосита боғлиқлиги сир эмас. Шундай экан, таълим муассасаларида моделлаштирилган суд жараёнларини саҳналаштириш орқали ёшларда ҳуқуқий таҳлил ва ўз фикрини асослаш кўникмаларини шакллантириш ва ҳуқуқий кейс-стади (case study)лар билан интернет фирибгарлиги, меҳнат низолари, оилавий ва истеъмолчи муносабатларига оид ҳаётий вазиятларни муҳокама қилиш ҳуқуқни қўллаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мазкур амалий ёндашувларни, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини викториналар, интерфаол тестлар, мобиль ўйинлар ва квестлар орқали оширишнинг самарали усули ҳисобланган геймификация (gamification) элементлари билан уйғунлаштириш ҳуқуқий таълимнинг натижадорлигини янада кенгайтириш имконини беради. Шунингдек, ёшлар юридик клиникалари фаолиятини йўлга қўйиш, яъни олий юридик таълим муассасалари талабаларининг аҳолига ҳуқуқий маслаҳат беришда иштирокини таъминлаш, мактабларда сайёр ҳуқуқий қабуллар ташкил этиш, судлар, прокуратура, адвокатура, нотариат ва давлат хизматлари марказларига ҳуқуқий экскурсиялар уюштириш ҳам ёшларда ҳуқуқ институтлари ҳақида амалий тасаввурни шакллантиришда муҳимдир.

Ягона экотизим ва янги ташаббуслар

Ҳуқуқий тарбияни фақат мактаб ёки олий таълим муассасасининг вазифаси сифатида баҳолаш тўғри эмас. Шу боис ҳуқуқий тарбияни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб борувчи ижтимоий институтлар ҳамкорлиги сифатида ташкил этиш зарур.

Бунда ҳар бир институтнинг ўзига хос вазифаси бўлиши лозим. Масалан, оилада болага ҳуқуқ ва мажбуриятларни англаш ўргатилиши, маҳаллада ёшларнинг жамоатчилик ҳаётидаги иштироки рағбатлантирилиши керак. Мактабда ҳуқуқий билимлар ҳаётий вазиятлар, ҳуқуқий кейслар ва интерфаол машғулотлар орқали мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ. Давлат органлари эса очиқ эшиклар кунлари, сайёр қабуллар ва ҳуқуқий маслаҳатлар орқали ёшларни давлат бошқаруви ҳамда ҳуқуқий ҳимоя механизмлари билан яқиндан таништириши лозим.

Шу нуқтаи назардан, ёшлар ҳуқуқий тарбиясининг ягона экотизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Унда оила ва маҳалла бирламчи тарбия муҳити, таълим муассасалари тизимли ҳуқуқий билим бериш майдони, давлат органлари ҳуқуқий ҳимоя ва давлат хизматлари билан таништириш бўғини, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий фаоллик ва ахборот муҳитини шакллантирувчи институтлар сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда ҳуқуқий тарбия самарадорлигини ошириш учун мавжуд тарғибот тадбирларини янада такомиллаштиришнинг ўзи етарли эмас. Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқий тарбиясини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши мумкин бўлган қатор ташаббусларни амалга ошириш вақти келди.

> *“Ҳуқуқий тарбияни фақат мактаб ёки олий таълим муассасасининг вазифаси сифатида баҳолаш тўғри эмас. Шу боис ҳуқуқий тарбияни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб борувчи ижтимоий институтлар ҳамкорлиги сифатида ташкил этиш зарур. Бунда ҳар бир институтнинг ўзига хос вазифаси бўлиши лозим. Масалан, оилада болага ҳуқуқ ва мажбуриятларни англаш ўргатилиши, маҳаллада ёшларнинг жамоатчилик ҳаётидаги иштироки рағбатлантирилиши керак.”*

Биринчидан, ёшлар жамоалари ўртасида мавжуд ҳуқуқий муаммоларга рақамли ечимлар ишлаб чиқиш бўйича танловлар ташкил этиш мумкин. Масалан, ҳуқуқий маслаҳат берувчи чатботлар, қонунчиликни содда тилда тушунтирувчи мобиль иловалар, ҳуқуқий саводхонликни оширувчи интерфаол платформалар яратиш рағбатлантирилади.

Иккинчидан, “Ёш ҳуқуқ элчилари” номи остида ҳар бир мактаб муассасасида фаол, ҳуқуқий билимга қизиқувчи ёшлардан иборат ҳуқуқ элчиларини шакллантириш мумкин. Улар тенгдошлари ўртасида ҳуқуқий маълумотларни тарқатиш, ҳуқуқий савол-жавоблар, кичик мунозаралар ва тушунтириш тадбирларини ташкил этишда қатнашади.

Учинчидан, рақамли муҳитда ёшларнинг ҳуқуқий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус таълим дастурини жорий этиш керак. Унда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, киберхавфсизлик, интернетдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, муаллифлик ҳуқуқи, сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланиш каби мавзулар қамраб олинади.

Тўртинчидан, ҳуқуқий волонтёрлик, яъни юридик йўналишда таҳсил олаётган талабаларнинг маҳаллалар, таълим муассасалари ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий маърифат ишларида иштирокини кенгайтириш лозим.

Мазкур ташаббусларни амалга оширишда уларнинг ҳар бири учун масъул ташкилотлар, ҳамкор институтлар, амалга ошириш босқичлари ва натижадорлик кўрсаткичларини белгилаш муҳим.

Ҳуқуқий тарбияда эътибор қаратилиши керак бўлган муҳим жиҳатлардан яна бири — ёшларнинг дунёқараши, ҳаётий тажрибаси ва ижтимоий эҳтиёжларини ҳисобга олиш. Ҳуқуқий тарбия узлуксиз бўлиш билан бирга, босқичма-босқич ва ёш хусусиятларига мос равишда ташкил этилиши зарур.

Масалан, 7 — 10 ёшли болаларда ҳуқуқий тарбия, аввало, қоидаларга риоя қилиш, адолат, ўзаро ҳурмат, ҳуқуқ ва бурч тушунчаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Бу ёшда ҳуқуқий эртаклар, мультфильмлар, ўйинлар орқали болаларга яхши ва ёмон хатти-ҳаракатлар мазмунини тушунтириш самарали ҳисобланади. 11 — 14 ёшли ўсмирлар учун шахсий ҳуқуқлар, тенглик, шахсий дахлсизлик ва хавфсизлик масалалари устувор аҳамият касб этади. Айниқса, бу даврда тенгдошлар ўртасидаги муносабатлар, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, интернетда хавфсиз ҳаракатланиш каби масалаларга эътибор қаратиш зарур.

15 — 17 ёшда эса ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни янада амалий тус олиши керак. Уларда ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик, рақамли ҳуқуқлар, меҳнат муносабатлари, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳамда фуқаролик масъулияти бўйича тушунчаларни чуқурлаштириш муҳим.

Албатта, келтирилган ёш чегаралари шартли бўлиб, ҳуқуқий тарбия мазмунини белгилашда шахснинг индивидуал ривожланиши, таълим даражаси ва ҳаётий тажрибаси ҳам инобатга олиниши керак.

Самарадорликни баҳолашда сон эмас, сифат ўлчови

Ҳуқуқий тарбия тизимидаги энг муҳим масалалардан бири унинг самарадорлигини қандай мезонлар асосида баҳолашдир. Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги ёшларнинг қонунчиликни қанчалик билиши билангина эмас, балки эгаллаган билимларини ҳаётий вазиятларда қай даражада қўллай олиши, ҳуқуқий муаммоларни мустақил аниқлаши, ўз ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиши ва бошқаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши орқали намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий тарбия самарадорлигини баҳолашда ҳуқуқий муаммони мустақил равишда аниқлаш ва қонунчилик базасидан фойдаланиш кўникмаси, рақамли муҳитда ҳуқуқий хавфларни кўра билиш салоҳияти, жамоатчилик ташаббуслари ва ҳуқуқий лойиҳаларда иштирок этиш даражаси каби индикаторларни қўллаш мумкин.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим ташкилий ва концептуал асослари белгилаб берилган ҳамда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўламини янада кенгайтириш вазифалари мустаҳкамланган.

Бугунги кунда адлия органлари ва муассасалари, хусусан, Тошкент давлат юридик университети томонидан мазкур вазифалар ижроси юзасидан қатор ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Масалан, мактабларда “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини чуқурлаштириб ўрганиш мақсадида республика миқёсида 217 та умумтаълим мактабларида “Ҳуқуқ синфлари” ташкил этилди. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларни мустақил ўзлаштиришига қаратилган “Ҳуқуқ мактаби” мобиль иловасидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилиб, у орқали сертификат олиш имконияти яратилган. Юридик фанлардан дарс берадиган олий маълумотли педагог кадрларни қайта тайёрлаш курслари ташкил этилмоқда. Ҳуқуқ фани ўқитувчиларига кўмаклашиш мақсадида “Телеграм” ижтимоий тармоғида “Ҳуқуқ таълими” канали очилиб, унда дарслик, ўқув дастурлар ва тарқатма материаллар, соҳага оид қонунчиликдаги янгиликлар бериш ва мунозаралар ўтказиш йўлга қўйилган. Тошкент давлат юридик университети ёшларда ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган “Street law” лойиҳасини амалга оширмоқда.

Келгусида бундай ишлар изчил давом эттирилади.

Бинобарин, замонавий ҳуқуқий тарбия бир марталик эмас, балки шахснинг ҳуқуқий тафаккури, ички эътиқоди, кундалик хулқ-атвори ва фуқаролик позициясини шакллантирадиган узлуксиз ижтимоий-ҳуқуқий жараёндир. Ҳуқуқий тарбиянинг ҳақиқий натижаси қонунларни биладиган эмас, балки уларнинг мазмун-моҳиятини англайдиган, ҳуқуқий муаммоларга мустақил баҳо берадиган, ўз ҳуқуқларини қонуний ҳимоялай оладиган, ўзгалар ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган ва қонун талабларига ички ишонч асосида бўйсунадиган авлодни шакллантиришда намоён бўлади. Бу эса ҳуқуқий тарбиянинг шахсий даражадан жамоавий ва ижтимоий даражага кўтарилишига имкон беради.

Бахшилло ХОДЖАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети ректори,
юридик фанлар доктори, профессор.

Спорт хабарлари

Ёшлар Олимпиадаси:

МЕДАЛЛАР СОНИ ОШМОҚДА

Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида ўтаётган ёшлар ўртасидаги 2026 йилги ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси ҳисобига навбатдаги медаллар қўшилди.

Мусобақанинг енгил атлетика бўйича уч ҳатлаб сакраш баҳсларида қатнашган Ш. Холмуродов 15,71 метр натижа билан кумуш медални қўлга киритди. Ҳамюртимиз ушбу натижа орқали шахсий рекордини ҳам янгилади.

Таэквондо WT бўйича терма жамоамиз аъзоси А. Самандаров финалда Хитой Тайпейи вакили Ченг По Ю билан баҳс олиб борди. Афсуски, ҳамюртимиз рақибига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди ва мусобақани кумуш медаль билан якунлади.



Шу тариқа Ўзбекистон делегациясининг “Дакар — 2026” ўйинларидаги медаллари сони 5 тага етди. Уларнинг 4 таси кумуш, 1 таси бронза медалидир.

Шахмат:


ОСИЁ МИЛЛАТЛАР КУБОГИ ЮТУҚ БИЛАН БОШЛАНДИ

Шу кунларда БАА пойтахти Абу-Даби шаҳри шахмат бўйича Осиё Миллатлар кубогига мезбонлик қилмоқда. Ўзбекистон мусобақада эркак ва аёллар терма жамоалари билан қатнашяпти.

Нуфузли турнир швейцарча тизимда, тўққиз турдан иборат бўлади. Ҳар бир шахматчига партия учун 90 дақиқа берилади, ҳар бир юришдан кейин эса соатига 30 сония қўшилади.

Эркаклар терма жамоамиз биринчи турда фаластинлик шахматчиларга қарши баҳс олиб бориб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди. М. Абдураҳмонов, Б. Баҳриллаев, А. Ботиралиев ва Ш. Равшанов рақибларидан устун келган ҳолда жамоамизга ишончли ҳисобдаги ғалабани тақдим этди.

Қизларимиз эса Покистон терма жамоасидан 4:0 ҳисобида устун келди.



А. Ҳамдамова, Г. Тоҳиржонова, У. Омонова ва Н. Имомқўзиева ўз партияларини ғалаба билан якунлади.

Футзал:


БИР ҒАЛАБА, БИР ДУРАНГ

Пойтахтимизда футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тожикистон миллий терма жамоасига қарши иккита ўртоқлик учрашувини ўтказди. Янги бош мураббий Баҳодир Аҳмедов бошчилигидаги футзалчиларимиз мазкур ўйинларда бир ғалаба ва бир дуранг қайд этди.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфидаги Терма жамоалар марказида ўтказилган дастлабки учрашувда ҳамюртларимиз рақиб дарвозасига жавобсиз учта тўп киритиб, 3:0 ҳисобида зафар қучди.

“Юнусобод” спорт мажмуасида ташкил этилган иккинчи беллашув эса муросасиз кечди. Ҳар икки жамоа бир мартадан рақиб дарвозасини ишғол қилди ва баҳс 1:1 ҳисобида якунланди.

“Бу галги йиғинга қўпроқ ёшларни жалб этдик. Агар улар ўзларини кўрсата олишса, кейинги йиғинларда ҳам таклиф қилиб, маҳоратини ошириш устида ишлаймиз”, деди ўйиндан сўнг мураббий Б. Аҳмедов.



Суннатилла ИСЛОМОВ (“Халқ сўзи”) тайёрлади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган Президент мактабларининг 15 нафар ўқувчиси нуфузли «Outstanding Pearson Learner Awards» халқаро мукофотининг 18 тасига сазовор бўлди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

ISSN 2010-8788

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.10 Топширилди — 04.45 1 2 3 4 5 6